

2022 йил якунлари бўйича

"Universal Sug'urta" АЖ йиллик молиявий ҳисоботи учун изох

2022 йилда "Universal Sug'urta" Акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасида ихтиёрий ва мажбурий суғурта шакллари бўйича суғурта фаолиятини лицензия асосида амалга оширган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича лицензия 30.06.2022 йилгача амал қилган, устав капиталини кўпайтириш бўйича лицензия талабларининг бажарилмаганлиги туфайли ушбу суғурта шакли бўйича суғурта хизматларини тақдим этишга рухсатнома тўхтатилган.

2022 йил якунлари бўйича ўз кучлари ҳисобидан суғурта мукофотлари йиғими (биргаликда суғурта қилиш шартномалари бўйича шерикчилик иштирокчилари билан суғурта мукофотлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар бундан мустасно) миллион сўмда:

- ихтиёрий суғурта шакллари бўйича	12 912,62
- транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича	2 794,18
- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича	11,93
- юк ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича	11,68

суғурта шартномалари муддатидан олдин бекор қилинганлиги сабабли суғурта мукофотларини қайтариш ҳисобга олинмаган ҳолда 15 730,41 млн сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ишончли суғурта ҳимоясини таъминлашга қаратилган Республикада амалдаги суғурталовчилар фаолиятига қўйиладиган талабларга мувофиқ компания томонидан 45 284,53 миллион сўм миқдорида суғурта захиралари шакллантирилди.

Шакллантирилган захиралар юқори ликвидли активларга жойлаштирилди, шунингдек, инвестиция фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш манбаи бўлди.

2022 йилда суғурта хизматларини кўрсатишдан вужудга келган ялпи зарар 4 038,51 миллион сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, асосий фаолият бўйича шу даврда 8 382,57 миллион сўм зарар кўрилган.

2022 йилда молиявий фаолият бўйича даромадлар 9 311,39 миллион сўмни, молиявий фаолият бўйича шу даврдаги харажатлар 279,78 миллион сўмни, 2022 йилдаги даромад солиғи учун харажатлар 123,69 миллион сўмни ташкил этди.

2022 йилда молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича 525,35 миллион сўм соф фойда олинган. Компания ходимларининг ўртача сони 45 кишини ташкил этди.

Бош директор в.в.б.

МАХКАМОВ N. S.

м.ў.

Бош ҳисобчи

KETS T. V.

**2022 йилда "Universal Sug'urta" АЖ томонидан молиявий-хўжалик фаолияти
жараёнида Республика бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган ва
тўланган солиқлар ва йиғимлар**

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб қилинган тўлови	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб қилинган тўловидан аслида ўтказилган миқдори
Юридик шахсларнинг фойда солиғи	123 694,92	548 753,31
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	677 618,50	702 278,21
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 778,74	827,43
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	121 888,81	120 816,13
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	5 307,03	4 760,76
Ягона ижтимоий тўлов	1 042 261,63	1 059 741,01
Давлат бюджетига ўтказиладиган жами тўловлар миқдори	1 972 549,63	2 437 176,85

Бош директор в.в.б.

МАХКАМОВ N. S.

м.ў.

Бош ҳисобчи

KETS T. V.